

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИКЛАЙМАН”

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ РАИСИ

Б.РЎЗМЕТОВ



ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ

2022-2023 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ИШ РЕЖАСИ

УРГАНЧ, 2022

**УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ
2022-2023 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ИШ РЕЖА ЛОЙИХАСИ**

1-мажлис				
Сана	Кўрилган масалалар	Маврузачи	Мавсул шахс	Хисобот шакли
сентябрь, 2022 йил	1. 2021-2022 ўқув йили учун Урғанч давлат университети жамоатчилик кенгаши таркибини сайлаш.	Б.Рўзметов	Х.Бобожонов	Ахборот шакли Ахборот
	2. Урғанч давлат университети жамоатчилик кенгашининг 2021-2022 ўқув йили бўйича иш режасини тасдиқлаш.	Б.Рахимова	Б.Абдримов	Ахборот
	3. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчисининг илмий-методик салоҳиятини янада такомиллаштириш, иқтимоий сўрономалар натижаларида таълим-тарбия самарадорлиги юқори бўлган профессор-ўқитувчи иш тажрибасини оммалаштириш, ёш ассистент-ўқитувчиларни устоз-шогирдлик альянслари бўйича тарбиялаш, илмий фаолиятга йўлдош.	С.Машарипова, Т.Қаландарова	Ш.Исмаилова	Ахборот
	4. Хар хил масалалар.			

2-мажлис

январь,
2023йил

1. Факультетларда ўқув машғулотларининг ташкил килиниши, профессор-ўқитувчилари томонидан ўзаро дарсга кириш, очик маърузаларнинг ўтказилиши тўғрисида.	С.Машарипова, Т.Каландарова,	Р.Авезжанова	Хисобот
2. Талаба масъулияти, бурчи, вазифаси янада мукамал тарзда англаш муаммоси. Уларнинг турар жойларидаги, хусусий хонадонларидаги яшаш шароитларини ўрганилиши тўғрисида.	Ш.Нуриллаева	Х.Бобожонов	Ахборот
3. Урганч Давлат Университети талабаларининг умумтаълим мактабларида амалиёт ўташ жараёнларининг сифатли ташкил килиниши, мактаб жамоаси билан ўзаро ҳамкорлиги ва самарадорлиги тўғрисида	Б.Тиллаев ва УрДУнинг амалиёт бўйича масъул ходими	Ш.Исмоилова	Ахборот
4. Хар хил масалалар			

3-мажлис

январь, 2023йил	1. Университетда коррупцияга қарши курашиш амалга ошириш бўйича бажарилаётган ишлар тўғрисида	Б.Тиллаев	М.Рахимова	ахборот
	2. Факультетларда ўқув-услугубий мажмуаларининг яратилиши, ўқитиш тизимига замонавий педагогик ва инновацион технологияларнинг тағбиқ килиниши хақида.	С.Машарипова, Т.Каландарова, Ш.Нуриллаева	Х.Бобожонов	Хисобот

нон. 2023йил	3. УрДУ жамоат ташкилотлари фаолияти: хотин-қизлар кенгаши бошлангич ташкилоти. талаба ёшлар иттифоқи, касаба уюшмалари фаолиятини олий таълим тизимини янада такомиллаштириш турли йўналишида чиқарилган президент фармонлари, вазирлар маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш йўналишида таҳлил қилиш.	С.Машарипова, Т.Қаландарова	Б.Тиллаев	ахборот
	4. Хар хил масалалар			
	4-МАЖЛИС			
	1. УрДУ факультет ва кафедралари проф-ўқитувчиларининг шаҳар-туман хокимликлари билан ҳамкорлиги тўғрисида	М.Жуманиёзов	Б.Раҳимова	ахборот
2. “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” дастурининг УрДУ да бажарилиш ҳолати юзасидан таҳлил	Ш.Исмоилова	Б.Абдиримов	ахборот	
3. УрДУ жамоатчилик кенгаши фаолиятининг 2021-2022 ўқув йили якунлари бўйича таҳлили.	Б.Раҳимова	Ш.Исмаилова	ҳисобот	
4. Хар хил масалалар.				

Кенгаш котиби



Б.Раҳимова



**Урганч давлат университети хузуридаги жамоатчилик кенгаши
 фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида
 НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3775-сон қарорига мувофиқ, олий таълим муассасалари хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) вазифалари ва ваколатлари ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Урганч давлат университети хузуридаги Жамоатчилик кенгаши (бундан буён матнда Кенгаш деб аталади) Урганч давлат университетининг жамоатчилик бошқаруви органларидан бири ҳисобланади.

Кенгаш юридик шахс ҳисобланмайди. Кенгаш ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

2. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ушбу низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

3. Таълим жараёнида самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш орқали профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги ижтимоий-маънавий муҳит соғломлигини таъминлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган ишлар орқали Урганч давлат университетининг фаолиятини ривожлантириш, профессор-ўқитувчилар улар ўртасидаги соғлом рақобатни ривожлантириш, жамоатчилик асосида амалга ошириладиган назорат орқали таълим сифати ва илмий салоҳиятнинг ҳамда ижодий маданиятнинг янги босқичга кўтарилишига кўмаклашиш Кенгашнинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

4. Кенгаш таркибига Урганч давлат университети талабалари, ота-оналар, Ёшлар иттифоқининг Урганч давлат университетидаги фаоллари, кадрлар буюртмачилари, профессор-ўқитувчилар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, шунингдек Урганч давлат университети фаолиятига ўлкан ҳисса қўшиб келаётган жисмоний ва юридик шахслар вакиллари ҳам кириши мумкин.